

Ғийбатни бас қилайлик!



15:17 / 15.07.2020 5611

Динимиз тил орқали содир этиладиган гуноҳлардан қайтарган. Хусусан, бундай гуноҳларга ёлғон гапириш, чақимчилик қилиш, ёлғон гувоҳлик бериш, бировнинг обрўсига тил теккизиш, бировни ҳақорат қилиш, мазах қилиш, сўкиш, бўҳтон қилиш ва ҳоказо. Булар тил офатлари дейилади. Ана шундай тил офатларидан бири — ғийбатдир. Барчамизга маълумки, биродаримиз эшитса хафа бўладиган гапни у йўқ пайтида гапириш ғийбат дейилади.

Афсуски, бугунги кунда бу гуноҳни содир этадиганлар кўпайиб қолди. Суҳбатларнинг кўпи ғийбатдан холи бўлмаяпти. Икки гапнинг бирида ғийбат қилиб қўйиляпти. Ғийбат қилаётган кимса «Ўша одамнинг ўзи шу ерда бўлганда юзига ҳам айтардим» деб ўзини оқлашга уриняпти. Ваҳоланки, бундай гап билан ўзини оқлаш ва ғийбатни давом эттириш

аҳмоқлик, жоҳилликдан ўзга нарса эмас. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда биз бандаларини гуноҳлардан қайтарар экан, ғийбат ҳақидаги оятда ғийбатнинг нақадар жирканч гуноҳ эканини мисоллар билан баён қилган.

У Зот Қуръони Каримда шундай деб марҳамат қилган:

«Сизлардан баъзингиз баъзингизни ғийбат қилмасин. Бирортангиз ўлик ҳолдаги биродарининг гўштини ейишни яхши кўрадимиз? Бас, ундан нафратланасизлар-ку!» (Ҳужурот сураси, 12-оят)

Эътибор берсак, бу оятда ғийбат қилиш ўлган биродарининг гўштини ейишга ўхшатишмоқда. Ким ўлик биродарининг гўштини ейишни истайди?! Кимнинг табиати бундай ишни кўтаради?! Ҳеч кимнинг, тўғрими? Бу ишдан табиатимиз шунчалик жирканар эканми, демак, ғийбатдан ҳам ана шундай жирканишимиз лозим.

Ғийбатчи охиратда аламли азобга дучор бўлади.

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: **“Меърожга чиқарилганимда бир қавмнинг ёнидан ўтдим. Уларнинг мисдан бўлган тирноқлари бўлиб, улар (ўша тирноқлар ила) юзларини ва кўкракларини тирнар эдилар. Мен: “Эй Жаброил, булар ким?” деб сўрадим. У: “Улар одамларнинг гўшtlарини ейдиган (ғийбат қиладиган) ва уларнинг обрўларига тил теккизадиган кишилардир” деб жавоб берди”.**

Имом Аҳмад ва Абу Довуд ривоят қилишган.

Улфатлар билан чойхонадами, уйдаи, дам олиш масканларидами ёки бошқа бирон жойда ўтирганимизда суҳбат қизиб, ғийбатга ўтиб кетишдан сақланишимиз керак. Бўладиган суҳбатимиз дунёимиз ва охиратимизга фойдали гап-сўзлар бўлиши, бировни камситиш, обрўсини тўкиш бўлмаслиги керак. Шерикларимиз кимнидир ғийбат қилишни бошласалар, дарҳол уларни бу гуноҳдан қайтаришимиз, унинг нақадар жирканчлигини эслатишимиз керак. Бордию улар насиҳатимизни олмай, ғийбат қилишда давом этсалар, у ҳолда ўзимиз ундай мажлисни тарк этишимиз, ғийбатчилар билан бирга ўтирмаслигимиз керак.

Ҳар сафар ғийбат қилмоқчи бўлганингизда, кўзларингизни юмиб, шундай хаёл сурунг:

Вафот этиб, уйида юзи ўраб қўйилган ҳолда ётган биродарингизнинг танасидан бир парча гўшти пичоқ билан кесиб олиб, оғзингизга солиб чайнамоқчисиз, қон аралашган қип-қизил гўшти тишларингиз орасига олиб эзиб-эзиб ёмоқчисиз.

Энди кўзингизни очинг! Хўш, ғийбатни давом эттирасизми ёки бас қиласизми?

Жоҳиллик қилиб бировни ғийбат қилиб қўйсак, ундан узр сўрашимиз, ғийбат қилган мажлисимизда, ғийбатимизни эшитган одамлар олдида ўша одамни мақтаб, яхши сифатларини эслашимиз, “Мен фалон куни фалончини ғийбат қилгандим. Аслида у кишининг бундай-бундай фазилатлари бор” деб, хатойимизни тuzатишимиз керак.

Аллоҳ таоло барчамизни ғийбат қилишдан ва бошқалар томонидан ғийбат қилинишдан асрасин!

Интернет маълумотлари асосида Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади